ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ

ПРОФЕССОР, ТИЛШУНОС ОЛИМ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВИЧ МИРТОЖИЕВ

БИОБИБЛИОГРАФИЯ
(Таваллудининг 90 йиллигига)

Тошкент-2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ

ПРОФЕССОР, ТИЛШУНОС ОЛИМ

МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВИЧ МИРТОЖИЕВ

БИОБИБЛИОГРАФИЯ

(Таваллудининг 90 йиллигига)

33856
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент 2017

УЎК 016:821.512.133.

Ўзбекистон олимлари библиографиясига оид материаллар

Миразиз Миртожиевич Миртожиев: биобиблиография: (Таваллудининг 90 йиллигига) / Сўз боши муаллифи Н.Маҳмудов; Мас. муҳаррир С.Давлатов; Тузувчилар М.Музаффарова, Худойбердиева И. .-Тошкент: Наврўз, 2017.- 44 б.

Ушбу биобиблиографик кўрсаткич таниқли тилшунос олим, профессор М.М. Миртожиевнинг 90 йиллик таваллуди муносабати билан нашрга тайёрланди. Библиографик кўрсаткич икки қисмдан иборат. 1-қисмда олим асарларининг библиографик маълумотлари хронологик тартибда жойлаштирилди, олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар ҳам хронологик тартибда жойлаштирилди.

Кўрсаткич тилшунос олимларга, тилшуносликнинг турли масалалари ва муаммолари билан қизиқувчи илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ёшларимизга илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш учун, ахборот-кутубхона муассасалари ходимларига шу йўналишдаги тарғибот ишларида қўллаш учун мўлжалланди.

Миразиз Миртожиевич Миртожиев
ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий саналари

1927 йил 14 май- Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги Охунгузар маҳалласида хизматчи оиласида туғилган.

1935 – 1942 йй.- Тошкент шаҳридаги 14-сонли ўрта мактабда таълим олди ва VII синфни битирди.

1942 – 1943 йй.- Ҳунар мактабига ўтказилиб, Тошкент шаҳридаги Ильич заводида темирчига шогирд тушади ва 1943 йил октябрь ойигача ишлади.

1943- 1944 йй.- Ўзбекистон дорихоналар бошқармаси қошидаги устахонада дурадгор бўлиб ишлади.

1944 -1947йй.- Тошкент шаҳар Ҳисоблаш-молия ўқув юртида ўқиб, кредит-молия мутахассислигини олди.

1947-1949 йй.- Тошкент Давлат Кечки Педагогика институтининг тил – адабиёт ва тарих факультетида I- II курсларни ўқиди.

1949-1953 йй.- Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Институтининг тил-адабиёт ва тарих факультетида III-V курсларини сиртдан ўқиди ва ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассиси номини олди.

1948 - 1952 йй.- Тошкент вилояти Калинин туманидаги 23-сон тўликсиз ўрта мактабда аввал 1-синф, кейин 4-7 синфларнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси ва илмий бўлим мудири вазифаларини бажарди. Сўнг **1953- йил июлигача** шу тумандаги 27-

сонли тўлиқ ўрта мактабнинг 8-9 синфларида тил ва адабиёт фанидан дарс берди.

1953-1955 йй.- Тошкент шаҳар 29-сон Кечки ишчи ёшлар мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди.

1956-1957 йил- Бошигача ЎзССР Давлат нашриётида ва шу йил январидан 10 июнгача ЎзССР Давлат адабиёт нашриётида корректор вазифасини бажарди.

1957 - 1958 йй.- "Ўзбекистон маданияти" газетасида адабий ходим вазифасини ўтади.

1958 йил - ЎзССР ФА қошидаги Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим вазифасида ишлади.

1964 йил- "Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1966- 1968 йй.- Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими вазифасида ишлади.

1968 йил - Тошкент Давлат Университетининг Ўзбек филологияси факультетига катта ўқитувчи вазифасига ишга ўтди.

1972 йил- Ўзбек филологияси факультети доценти лавозимига ўтказилди.

1990 йил-	"Ўзбек тилида сўз ҳосила маъноси ва унинг қўлланиши" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.
1990 йил -	"Меҳнат ветерани" унвонини олди.
1991-1996 йй.-	Тошкент Давлат Университети хузуридаги тиллар бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш иқтисослашган кенгаши аъзоси.
1992- 1998 йй.-	Тошкент Давлат Университетида давлат тилини жорий этиш комиссияси раиси.
1993 йил-	кафедра бўйича профессор илмий унвони берилди.
1996 - 1999 йй.-	Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институти тилшунослик кафедрасида ўриндошлик йўли билан профессор.
1998- 2010 йй.-	Тошкент Миллий рассомлик ва Дизайн институтининг тиллар кафедрасида ўриндошлик йўли билан профессор.
2002 – 2007 йй.-	Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги ДК 015 04 02 рақамли докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси.
2005- 2006 йй.-	Тошкент Вилоят Педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўриндошлик йўли билан профессор.

ПОФЕССОР МИРАЗИЗ МИРТОЖИЕВИЧ МИРТОЖИЕВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Профессор Миртожиев Миразиз Миртожиевич ўзбек тили ҳамда туркий тилларнинг илмий-амалий, илмий-назарий ва илмий-оммабоп тилшунослиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, қатор монографиялар (12 та), дарсликлар (2 та), қўлланмалар 12 та), илмий-оммабоп рисолалар (5 та), луғатлар (4 та), ва илмий мақолалар (112 та), энциклопедик мақолалар (206 та) нашр эттирган таниқли тилшуносдир.

Профессор М. М. Миртожиев 1927 йил 14 май куни Тошкентнинг Эски шаҳаридаги Охунгузар маҳалласида хизматчи оиласида таваллуд топди. У тўлиқсиз ўрта маълумотни Тошкентнинг 14- сонли тўлиқ ўрта мактабида олди. Кейин, 1941 йил давр тақозаси билан Тошкентдаги касб-ҳунар ўқув юртига ўтказилди. Аммо у номига ўқув юрти бўлиб, Тошкентдаги "Ильич" ҳарбий заводида темирчига шогирд тушиб, 1943 йил кузигача ўша ерда ишлади. Кейин 1943-1944 йиллар дурадгорлик вазифасини бажарди. У 1944 йилдан 1947 йилгача ҳисобчи иқтисод ўқув юртида сиртдан ўқиди ва кундузи шахсий боғларида боғ ишлари билан шуғулланди.

М. М. Миртожиев 1947 йилдан Тошкент Давлат Педагогика институтининг аввал кечки бўлимида, III курсидан сиртқи бўлимида ўқиди ва 1053 йил олий маълумотли тил ва адабиёт ўқитувчиси унвонини қўлга киритди. У буни институтнинг тарих, тил ва адабиёт факультетини битирар экан, унга институтнинг тилчи доцентларидан А. Ғ. Ғуломов, Т. Салимов, М. Асқарова, З. Маъруфовларнинг таъсири катта бўлди. Унинг III курс учун ёзиб келган курс ишини А. Ғ. Ғуломов текшириб келиб, "Фақат сенга "Аъло" баҳо қўйдим. Бундан кейин шу ҳафсаланг билан ўқисанг, сендан етук тилшунос чиқади", деган эди.

М. М. Миртожиевнинг отаси Толипов Миртожи хизматчи, онаси Мирзоҳидова Фазли ўқитувчи бўлган. Отаси 1941 йил 27 июнда

ҳарбийга чақирилган ва урушга сафарбар қилинган. У 21 ноябрь Москва остонасида яраланган ва 25 ноябрь вафот этган. Онаси 1936 йил ёш боласи бўлганлиги туфайли ўқитувчиликдан кетган ва умрининг охири (2003 йил) гача уй ишлари билан банд бўлган.

М. М. Миртожиев ўзининг педагогик фаолиятини 1948 йил февраль ойи бошидан бошлади. У ўша ўқув юртининг I синф ўқитувчиси вазифасини ўтади. Сўнг сентябрдан 1952 йил 12 декабригача Тошкент вилоятидаги тўликсиз ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси вазифасида ишлади. Сўнг 1952 йил 12 декабридан ўша Калинин район(туман)ининг 27-сон тўлиқ ўрта мактабига тил ва адабиёт ўқитувчиси вазифасига ўтказилди. 1953 йил сентябридан Тошкент ишчи ёшлар кечки мактабига шу вазифа билан ўтди. Ўқув йили охиридан матбуот соҳасида ишлай бошлади. Бу соҳада Ўзбекистон Давлат Нашриёти, кейин Ўзбекистон Бадиий адабиёт Нашриёти ва "Ўзбекистон Маданияти" газетасида ўз фаолиятини ўтказди.

М. М. Миртожиев 1958 йилдан илмий соҳада ўз фаолиятини бошлади. У шу йил 10 февралдан ЎзССР ФА қошидаги Тил ва адабиёт институтига илмий ходим вазифасига чақириб олинди ва луғат секторида луғатчилик ва лексикологлик соҳасида ишлай бошлади. Шу ердаги иш фаолияти даврида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1964 йил 29 июнда филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. У 1968 йил 1 сентябрдан ТошДУнинг филология факультетига катта ўқитувчилик вазифасига ўтиб, 1972 йил 1 сентябрда доцентлик унвонини олди. 1991 йил 11 январда фан доктори илмий даражасига эришиб, шу йилнинг ўзида профессор унвонини олди.

М. М. Миртожиев 1996 йилдан қарилик нафақасига чиқди ва бир вақтнинг ўзида 2000 йил охиригача Ўзбекистон миллий университетида талабаларга дарс берди.

У мустақиллик йилларида 2010 йилгача ўриндошлик асосида Тошкент театр-рассомлик институтида, Тошкент миллий рассомлик ва дизайн институтида, 1996-1999 йиллар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, 2000 - 2003 йиллар Тошкент

архитектура институтида, 2004-2005 йиллар Тошкент вилояти Ангрен педагогика институтида профессорлик лавозимларида фаолият юритди.

М. М. Миртожиевнинг фаолияти 1954-1955 йиллар икки методик мақоласи: "Ўзбекистон" шеърини ўтиш тажрибасидан" ва "Олмош темасини индуктив метод асосида дарсда ўтиш" мақолалари "Совет мактаби" журналида босилиб чиққанидан бошланган. У бундан кейин методик мақола эълон қилмади. 1956 йил "Танланмаган Гулдаста" танқидий тақризини "Ўзбекистон маданияти" газетасиа эълон қилдири. 1960 йилдан бошлаб номзодлик диссертацияси олдидан унга оид 6 мақола ва бир тақризий мақола эълон қилди. Ниҳоят 1964 йил "Ўзбек тилида лексик омонимларнинг манбалари" номли номзодлик диссетациясини ҳимоя қилди. Унинг тилшуносликдаги кейинги ютуқлари ва муваффақиятлари номзодлик диссетацияси учун ўзбек тилидаги лексик омонимлар манбаларини очишга қаратилган тадқиқотларидан иборат эди. У бунинг учун ўзбек тилидаги сўз ўзлаштириш, диалектология, конверсия, сўз ясаш, семасиология, ва фонетиканинг барча тармоқларига эътибор беришга ва пухта эгаллашга, ҳатта умумтуркологик маълумотни ўзлаштиришга мажбур бўлган. Булар келгуси тадқиқотларни олиб бориш учун зарур эди.

Бу диссертацион тадқиқот олимнинг шундан кейинги ишлари учун асос бўлди. У шундан кейин 1975 йилгача 20 тача мақола эълон қилган бўлиб, улар кўпроқ семасиология соҳасида. Яна 4 таси луғатлар ҳақидаги тақризлар, фонетика, синтактик семантикага оид мақолалар бўлган. У шу давр ичида 1981 йил нашр этилган "Ўзбек тили изоҳли луғатини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшган. Ўзининг семасиологияга бағишланган докторлик ишини ёзиб тугатди. 1975 йил "Фан " нашриётида докторлик иши асосида "Ўзбек тилида полисемия" номли монографиясини чоп эттирди. Бундан олдин Т. Аликуловнинг шу мавзуда номзодлик диссертацияси ёзилган эди. Бироқ, у кўчма маънолар асосида полисемантик сўзлар таркиб топишини ёритишдан нари ўтмаган. Унинг аффиксация натижаси

эканлиги, ёндош ҳодисалардан фарқи, типлари, полисемантик сўз таркиби ҳақидаги масалалар ёритилмай қолган эди, кўчма маъно ҳосил қилувчи семантик ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам полисемия учун асос бўлавермаслиги ҳақида ҳам маълумот берилмаган. М. М. Миртожиевнинг полисемия ҳақидаги монографиясида унинг ўзбек тилига мансуб барча томонлари тадқиқ этиб берилган. У туркология соҳасида бирдан-бир пухта ишланган монография бўлиб қолди.

Олим бундан кейин семасиология соҳасида жуда кўп мақолалар ёзди ва лексикологияга бағишланган дарслик, қўлланма, монографияларда унга тегишли қисмни ишлаб берди. Олимнинг "Ўзбек тилида сўзларнинг ҳосила маъноси ва уларнинг манифестацияси" докторлик иши ҳам соф семасиологик ишдир. У бу ишида сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтиришининг беш кўриниши: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик ва тобелилик ҳодисалари ҳар томонлама характерлаб кўрсатди. Уларнинг ўзаро фарқланишларини очиб берди. Ҳосила маъно юзага келиши билан ёндош ҳодисаларни ва ҳосила маъно типларини ҳам тадқиқ этиб берди. Тадқиқот бутун туркий тиллар ва қўшни тилларга қиёслаб, типологик усулда олиб борилди.

Тилшунос олим ниҳоят семасиологияга бағишланган илмий тадқиқот ишларини якунлаб, 2010 йил "Ўзбек тили семасиологияси" номли йирик монографиясини яратди ва нашр эттирди. Шуни эътиборда тутиш керакки, шу вақтгача маълум бир тил семасиологияси ҳақида фақат немис тилшунослиги монография яратган. Бу уларда беш марта такрорланган эди. Бошқа бирор халқ ўз тили семасиологиясини яратмаган. Руслар уч марта уринган бўлса ҳам, В. А. Звегинцевнинг иши дунё тилшунолигида яратилган семасиология соҳасидаги ишларни шархлаш ва уларнинг таснифидан нари ўтмаган, Д. Н. Шмелев рус тили семасиологиясидан очеркларини эълон қилишдан нари ўтмаган, Л А. Новиков рус тили семантикаси доирасида монографиясини яратган. Инглиз тили юзасидан Ст. Ульман ва Й. Луонсларнинг семасиологик монография-си бўлса ҳам, лексик маъно тараққиёти ва типларини тавсифлашдан нарига ўтмади. Француз тилшуноси А. Греймас

“семантик таркиб” доирасида иш яратди. Ўзбек тилшуноси М. Ҳакимова “Семасиология” номли қўлланмани яратган бўлиб, у фақат полисемия доирасида, шунда ҳам терминларни изоҳлаш билан чекланган.

М. М. Миртожиев ўзбек тили семасиологияси ҳақида фикр юритар экан, немис семасиологияси юзасидан Т. Шиппаннинг энг мукаммал монографиясига эътибор қаратди ва унинг ютуқларини тўла эътиборга олишга ҳаракат қилган, бироқ уни ўзбек тили фактларидан келиб чиқиб, тадқиқий якунларини илгари сурган. Шунингдек, унга танқидий муносабатда ҳам бўлган. Масалан немис тилшунослиги антонимни тил ҳодисаси эмас, мантиқий ҳодиса, деб кўрсатадилар. М. М. Миртожиев уни тил ҳодисаси деб қараб, буни немис ва ўзбек тили фактларига таяниб асослаган. Бунда у сифат маънолари даражаланиши доирасида антонимлар таркиб топишини кўндаланг қўяди.Немис тилшунослигида сўзларнинг семантик валентлиги эътиборга олинмаган. Олим бу ҳақда тўла маълумотлар келтирган. Т. Шиппан ўз семасиологиясида фразеология тадқиқига ҳам катта ўрин ажратади. Тўғри, фразеология семантика билан боғлиқ, бироқ у синтактик қурилмалар доирасидаги семантика билан воқеаланади. М. М. Миртожиев шуни ҳисобга олиб, сўзнинг лексик маъноси ҳақида бахс юритадиган семасиологияга уни аралаштирмайди. Яна бу монографида лексик маъно таркибига, сема типлари ва улар характерига анча мукаммал тўхтаб ўтган.

М. М. Миртожиев ўзбек тили семасиологияси юзасидан фикр юритар экан, семасиологиянинг барча тармоқларига хос ҳодисаларини деярли йигирмадан ортиқ тилларда яратилган илмий хулосалар билан қиёслайди ва ҳодисаларни ўша тиллардаги ҳодисалар билан типологик характерда солиштириб борган. Улар чуқур илмийлиги билан характерланади.

М. М. Миртожиев илмий ишларининг энг салмоқли қисми семасиологияга бағишланган ва у бу билан, яъни семасиологик тадқиқотлари билан кўзга ташланса ҳам, фақат семасиолог деб танимаслик керак. У ўзбек тилшунослигининг деярли барча тармоқларига қўл урган универсал тилшуносдир. Унинг

лексикография, терминология, тил тарихи, фонетика, синтактик семантика ва ниҳоят туркология соҳаларидаги кашфиётлари, монография ва мақолалари жуда кўп.

Олим тилшунослар остонасига қадам қўяр экан, лексикограф сифатида иш бошлаган. У 1981 йил нашр этилган икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да қатнашиб, I жилдда *е, ё, п* товушлари билан бошланувчи ва II жилдда *у, ў* товушлари билан бошланувчи мақолаларни тузиб берган. Бу ишни улар 1960 йилда бошлашган эди. Кейин 1997 йил Ш. Раҳматуллаев, М. Қодировлар билан ҳамкорликдаги "Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати" нашр этилган. Лекин М. М. Миртожиев шу луғатга киритилган мақолалари масъул муҳаррир томонидан асоссиз ва муаллифнинг розилигисиз ўзгартириб юборилганлиги учун, уларни муаллиф сифатида тан олмаган ва 2000 йил "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг сўнгги сонида унга ўзининг муаллифлигини инкор этганлигини эълон қилган. Унингча, бу луғат этимологик эмас, нари борса, морфем луғат даражасидадир. Умуман, этимологиялар унда илмий таҳлил даражасида бўлмаган. Олим бу жиҳатдан ҳақ эди.

Тилшунос олимимиз 2002 йил Р. Я. Комилова, А. М. Одилов, Н. Норқуловлар билан ҳамкорликда "Физиковий электроникадан русча-ўзбекча атамалар луғати" ни нашр эттирди. Бу луғатни тузувчилар асосан физиклардир. Кейинги йил кимёгар олим Ў. Н. Мусаев билан ҳамкорликда "Юқори малекулали бирикмалар кимёси атамаларининг русча-ўзбекча луғати" ни юзага келтирди. М М. Миртожиев ўзбек лексикограф тилшунос бўлган. Бу ишларда унинг хизмати рус тили орқали кириб келаётган ўзлашма сўз терминларни иложи борича ўзбекчалаштириб бериш бўлган. У бу вазифасини А. Р. Расуов, Ф. Х. Ҳикматов, А. А. Акбаровларнинг "Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча луғати"га масъул муҳаррирлик қилганида ҳам ўтаган. Унинг бу қараши "Пахтачиликка оид биринчи луғат", "Изоҳли луғат", "Тўнғич терс луғат" каби тақризий мақолаларида ҳам яққол кўзга ташланади.

У атамашуносликда атамаларни ўзлашма сўзлар ҳисобига тўлдириб юборилаётганлигига қарши эди. Чунки, илмий асарлардан

фойдаланувчилар уни мутолаа қилиш кечимида нотаниш атамаларга жуда кўп рўбарў келадилар ва тушунолмай қийналадилар.

Мазкур тилшунос олимнинг ўзбек тили фонетикаси соҳсида ҳам хизматлари катта. Унинг бу соҳада изланишлари номзодлик диссертацияси тадқиқи давридаёқ бошланган. Диссертациянинг сўнгги боби ўзбек тилидаги товуш ўзгариши қонуниятларини тадқиқ этишга бағишланган. Бу бобда гарчи айрим сўзлардаги товуш ўзгаришлар икки, тамоман бошқа-бошқа сўзларнинг бир хил фонетик таркибга келиб қолиши – лексик омонимлар шаклланишига олиб келиши учун бағишланган бўлса ҳам, сўзлардаги ўша фонетик ўзгаришларни таҳлил этиш доирасида бўлган. Бунда у биологик имконият ва арикуляцион имкониятларга эътиборни қаратган. Шу баҳона сўз таркибидаги аффрикатлар, дифтонглар ва интервокал ундошларнинг деярли сирғалувчи товушга ўтиб кетиши қонуниятларини фактлар асосида очиб, таҳлил этиб берган. Умуман тилшуносликда уларнинг қандай таркиб топгани кўрсатиб ўтилган. Бу соҳада ўзбек тилшуноси профессор Ф. Абдуллаевнинг қимматли таҳлиллари бор эканлиги айтилган бўлса ҳам, қонуниятларининг очилиши шу олимга хосдир.

Ниҳоят М. М. Миртожиев 1993 йил филология факультетлари учун "Ўзбек тили фонетикаси" номли ўқув қўлланмасини тақдим қилди. Бунда ҳам нутқ товушлари ўзгаришлари соҳасида кўпгина ўзига хос қарашларини берди. Бироқ у ўзбек тили фонетикасининг ўзига хос томонларини ўз тадқиқотлари асосида очиб, жамоатчиликка тақдим этди. Гарчи унинг асари номига қўлланма бўлса ҳам, кўп қарашлари ижодий асосда, оригинал бўлди.

Мазкур қўлланманинг 1-боби нутқ товушлари таснифига бағишланади. Унда фонемалар ҳақидаги маълумот фономияларда қараш учун қолдирилиб, фақат нутқ товушларни тасниф этиш ва уларнинг ҳар бирига характеристика беришни мақсад қилиб олинган. Бунда у нутқ товушлари таснифини қилишда ўзидан илгариги В.В.Решетов, А.К.Боровков, А.Н.Коконов ва уларга эргашган Ш.Ш.Шоабдурахмоновлар ишига суянганини айтади. Қўлланмада муаллиф нутқ товушларини тасниф этар экан, асосан ўз

лексикасига оид нутқ товушларини биринчи ўринда эътиборда тутади ва қаторига ўзлашган лексикага олиб, бир бир илова қилади.Шу ҳам ҳозирги ўзбек тилида нутқ товушларининг миқдоран ортганли ва улар қайсилар эканлиги яққол кўзга ташланган. Масалан, ундан аввалги тилшунослар ўзбек тилида ҳозир "и" тил олди ва "ы" тил орқа унлилари бор ва улар ўзбек тилида бир унли фонемага бирлашиб келади, деб қарашган. Ҳатто, уларни ҳозирги ўзбек тилида бир унли тобуш деб қаралган. М.М.Миртожиев бу унли фонема ўзбек тили учун алоҳида, ўзлашган сўзлар учун алоҳида товуш, яна ҳам аниқроғи фонема деб билади. Унингча, рус тилида ўзлашган сўзлардаги бу товуш тўлалиги билан тор, ўз лексикасидаги бу унли нисбатан кенгроқ – "е" товуши артикуляциясига яқинроқ кенгликдаги унли деб ҳисоблайди. Бу уларни алоҳида фонема дейишгача имкон яратади. Масалан, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сир (сыр-пишлоқ) сўзи билан араб тилидан ўзлашган сир (сьр-"маҳфий иш") сўзидаги унлини қиёсан характерлайди. Ҳар иккисида ҳам унли тил орқа, лекин аввалгиси жуда тор, кейингиси унга нисбатан сал кенгроқ. Бу билан икки сўз маъносида икки маъно ифода топади. Шу ўринда М.М.Миртожиев қарашига танқидий фикр ҳам билдирилган, гўё товуш билан товуш варианти қориштирилган эмиш. М.М.Миртожиевнинг ўз қараши бўйича, товушлар варианти артикуляция ўрни ва ҳолати бўйича ўзаро фарқланмайди ва сўздаги маъно фарқини юзага келтиради.

"Ўзбек тили фонетикаси" номли қўлланмада бўғим масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Бу масалада унинг қарашлари юқорида номлари келтирилган фонетистлар билан бир хил. Аммо, у бу ишда бўғин билан мумтоз адабиётда қўлланиб келаётган ҳижо тушунчаси ва улар ўртасидаги муносабатнинг фарқланувчи томонларни очиб беради. Нихоят у бўғинларнинг тил ҳодисаси, ҳижоларнинг нутқ ҳодисаси эканлигини қайд этади.

Мазкур қўлланмада у сўз урғуси масаласига ҳам алоҳида қисм берган. Бунда у сўз урғусини ўзидан аввалги тилшуносларга ўхшаб динамик деб эмас, квантитатив деб талқин этади ва бой фактлар асосида исботлайди. Шу масалада у И.А.Киссеннинг ўзбек тилида

сўз урғуси бўлмаган, кейин рус тили таъсирида юзага кела бошлаган ва ҳозир ҳам тўла шаклланмаган деган фикри учун танқидий муносабатда бўлади. У келтириб таҳлил этган мисоллар хатосини очиб, бу ўзбек тилини яхши билмаслик билан боғлиқ, деб кўрсатади.

Бу қўлланмада интонация ҳодисасига ҳам алоҳида қисм ажратган. Бу масалада ўзбек тилида ўрганиб чиқилган масалаларнинг муҳим томонларини кўрсатиб берган.

"Ўзбек тили фонетикаси" номли бу қўлланма яна 1997 йил қайта ўзгаришсиз нашр этилган. Кейин 2004 йил нашр этилган. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг 1-жилдига ҳам тўлалиги билан киритилди. Бу олий ўқув юртлари филология факультетлари учун чиқарилган дарслик эди. Бу дарсликка кириш, фонетика, унинг ёнига фонология, ўзбек ёзуви, ўзбек тили имлоси, орфоэпияси ҳам қўшилган бўлиб, лексикология ва лексикографияси билан бирга таркиб топтирилган эди.

Илова қилинган фонология уч қисмга бўлинган бўлиб, улар фонемология, силлабика, акцентология деб номланган бўлиб, кейинги икки қисми бу соҳа учун тамоман янгилик эди.

М.М.Миртожиев ниҳоят 2013 йилга келиб "Ўзбек тили фонетикаси"нинг академ нашрини юзага келтирди. У тўлалиги билан эксперимент материалларга таяниб яратилди. Экспериментлар асосан осциллографик ва кмографик текширишлар, фентинографик кузатишларга таянган, деб кўрсатилади. Шунинг учун ҳам муаллиф келтирилган фактларда хатога йўл қўйилмаган деб ҳисоблайди. У шу асосда фақат ўзбек тили фонетикасини тадқиқ этган, фонологияга умуман тақалмаган. Чунки фонология асосан семантикага бориб тақалади. У бу катта монографиясида товушлар доирасида, яна экспериментга асосланиб иш олиб боргани учун, ишда бир кичиккина қисмни семантикани аралаштириб, ўзининг ҳам, асарнинг ҳам, ўқувчининг ҳаёлини бўладиган қилиб изчилликдан чиқишни истамаган. Фонологияни алоҳида монография сифатида чоп этишни маъқул ҳисоблаган. Иккинчидан "Ўзбек тили фонологияси"ни унинг шогирди А.Нурмонов аллақачон эълон қилган эди. У бу монографияни маъқуллаган ва қадрлар эди.

Илмий фонетикани яратиш билан боғлиқ хулосаларини кейинги ишларида изчиллик билан қўллашда давом қилди. Масалан,буни 2017 йилда нашр эттирган "Туркий туб сўзлар тадқиқи" номли монографиясининг сўнгги фонетикага бағишланган бобида кўриш мумкин.

М.М.Миртожиев ўзбек тили ва тилшунослиги тарихи билан ҳам шуғулланган. Бу масала 1983 йилларда "Ўзбек тили ва ўзбек тилшунослигининг илдизлари" номли 6 муаллиф табоқ ҳажмидаги монографиясида ёритилган. Унда ўзбек тилининг юзага келганини эрамиздан аввалги Х асрга, тилшуносликнинг юзага келганини YIII асрга гипотезалар асосида бориб тақайди. Бу асар ўз поёнига етгунча 1990 йил унинг бир қисми бўлган "Ўзбек тилининг ижтимоий тарихидан" номли мақолани Н.М.Маҳмудов билан ҳамкорликдаги "Тил ва маданият" номли тўпламида бериб юборган эди.

Ўзбек тилшунослигининг етакчиларидан ҳисобланган олим ўзбек тилшунослигига янги-янги йўналишлар кириб келишининг кўпинча бошида туриб қолади. Масалан, унинг синтактик семантика билан боғлиқ "Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик" номли йирик монографияси 2008 йил дунё юзини кўрди. Буни ҳар ҳолда синтактик- семантикага бағишланган ўзбек тилидаги дастлабки тадқиқот иши дейиш мумкин. Лекин, ундан олдин шу соҳада Н.М.Маҳмудовнинг докторлик иши ҳимояси1984 йилда муваффақиятли ўтган эди. Шу билан унинг ўзбек тилшунослигида синтактик семантика учун асос яратиб берганини М,М.Миртожиев тан олади. Н.М.Маҳмудов бу ишида ўзбек тилидаги содда гаплар айрим асосларга кўра бирдан ортиқ ҳукм ифода этишини таҳлил қилиб берган. М.М.Миртожиев шогирдининг ўзбек тилида бошлаб берган йўналишни давом эттириб, гап бўлакларига хос синтактик-семантик номутаносибликни тадқиқ қилиб берган. Шу соҳани иккинчи томондан йўлга солган. Шу билан улар ўзбек тилида синтактик билан семантика ҳамма вақт ҳам мос келавермаслигини очиб берган.

Ўзбек тилшунослигига 1980 йиллардан И.К.Қўчқортоевнинг докторлик диссертацияси воситасида сўз валентлигини ишлаш йўналиши кириб келди. Бу йўналиш ҳам асли синтактик-семантиканинг бир кўринишидир. М.М.Миртожиев бир неча шогирдларини шу йўналишдаги мавзуларда номзодлик ва докторлик диссертациясини ёзишга бошлади. М,М.Миртожиевнинг ўзи ҳам 1980 йиллардан айрим тадқиқот ишларида айрим масалаларнинг сўз валентлигини таҳлил этиш васитасида ечимига етказиб борди. Ниҳоят, у 2007 йил "Ўзбек тилидаги феъл валентликлари" номли монографиясини эълон қилди. У, бунгача ҳам, бундан кейин ҳам шу йўналишда бир неча мақолаларини эълон қилиб борди. Натижада, С.Х Мухамедова билан ҳамкорликда "Ўзбек тилида сўз валентликлари" номли йирик монографиясини 2011 йил эълон қилди.

Валентлик таҳлили юзасидан ўз докторлик ишини ёзган И.К.Қўчқортоев нутқ феълларида қандай валентликлар борлиги ва шу валентликлар таҳлилини ишлаб чиқди. М.М.Миртожиев гуруҳидаги тилшунослар (улар саккиз мутахасси) аввал сўз маъноси таркибига ва шу маъно таркибидаги қайси сема қандай валентликни юзага келтиришини кўрсатиб, шу семантик валентликларини ва уларнинг синтактик тамонларини ишлаб чиқишди.

М,М.Миртожиев раҳбарлигида сўз семантик ва лентангини ишлаш ўзбек тилшунослигида якунланаёзди. Унинг тавсияси билан фразологик бирликлар валентлигини ишлаш бошланган. Ҳозирча Қ.Ҳакимов "Содда йиғиқ гап қолипли фразеологизмлар валентлиги" номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб бўлди. Бу соҳада илмий-тадқиқий ишлари давом этмоқда.

М,М.Миртожиев ўзбек тилшуноси сифати унинг барча тармоқлари доираси ўз тадқиқот ишларини олиб борди ва бу жиҳатдан у тўхтагани йўқ. Унга худо умр берса, мўлжаллари хали кўп. Бундан ташқари яна у туркалогия соҳасида ҳам ўз тадқиқот ишларини, йирик фундаментал ишларини ҳам яратган. Унинг бу соҳадаги дастлабки иши 1962 йилда эълон қилинган 2,5 муаллиф табоқ ҳажмдаги йирик "Дастлабки омонимларнинг вужудга келиши"

номли мақоласи бўлди. Бунда у туркий туб сўзларнинг туркумлар бўйича тараққий этиб, дастлабки омонимларнинг таркиб топтириши юзасидан фикрларини илгари сурган. Сўнг унинг мукаммаллашган вариантини ишлаб, номзодлик диссертациясининг III-бобига киритган. Бунда туркий туб сўзларнинг ҳосил бўлиши, туркумлар бўйича тараққий этиши, фонетик тараққиёти тадқиқ этилган.

Муаллиф туркий туб сўзларга хос илмий сирларини ўрганишни асосий мақсадларидан бирига айлантирди. 1983 йилдан бошлаб туб феълларнинг сўнгги товушида шакллана бошлаган грамматик кўрсаткичларининг ўтимлилик ва ўтимсизлик семантикасини ва уларнинг нисбат категориясини, сон категорияси шакллантирилиги-гини таҳлил этиб берувчи бир неча мақоласини "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида, айрим тўпламларда 1990 йилгача эълон қилиб борди ва буларни яхлитлаб, 2011 йил "Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси" номли кичик монографиясини эълон қилди. Ниҳоят, у 2017 йил "Туркий туб сўзлар тадқиқи" номли йирик монографиясини туркологлар оламига тақдим этди. Бунда у туркий туб сўзлар генезиси, уларнинг турли сўз туркумларини шакллантириб тараққий этганлиги, дастлабки олимларнинг таркиб топтирганлиги, уларда юзага келган сўнгги товуш грамматикаси, туб феълларнинг семантик гуруҳланиши, ҳар бир туб сўзнинг туркий тиллар бўйича фонетик хосланиб бориши,туркий тиллар туб сўзлари доирасидаги товуш ўзгариши кабилар ва улардаги қонуниятлар ишлаб чиқилди. Бунда туркий тилларнинг барча 27 таси назарда тутилди ва қамровда бўлди.

Профессор. М. М. Миртожиев бир неча илмий – оммабоп ишларни юзага келтирган. Бунга 1982 йил нашр этилган "Товушлардаги маънолар", 1988 йил нашр этилган "Ўзлашган сўз – пайванд куртаги", 1989 йил нашр этилган "Тилда шакл ва мазмун" номли рисолалари эълон қилинди. Яна кечагина қораламадан чиққан "Тилимиз мулкига бир назар" номли 4 муаллиф табоқ хажмида рисола қўлдан чиқди. Унда тилимизнинг луғатларда қайд этилмаган катта бойлиги хақида гап боради.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI AXBOROT-RESURS MARKAZI

Олим абитуриентларни ҳам эсдан чиқармаган. Уларга атаб ўзбек тили соҳасида 9 та қўлланма тузиб берган.

Яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, у ўзининг барча турдаги асарларида бир нечалаб сўзларга, айниқса топонимларга этимологиялар беради. У берган этимологиялари ҳомаки ҳисобда ҳам 100 дан ортиқ миқдорга эга.

М. М. Миртожиев 1955 йил олий маълумотли, Тошкент "Тонг" тикувчилик фирмасида цех бошлиғи, уста, катта инженер ва бош инженер вазифаларида ишлаган Асқарова Ақидага уйланган.

М. М. Миртожиевнинг 1 ўғил ва 4 қизи бор. Улардан 11 набираси ва набираларидан 15 абираси яшаб келмоқда.

Кўрдикки, олим ўзбек тилшунослигининг лексикология, семасиология, фонетика, терминология, синтактик семантика, валентлик, тил тарихи, лексикография каби тармоқларининг хаммасида ва умумтуркологик соҳада ҳам қалам тебратган. Шу буюк ёшида ҳам хормай – толмай иш бераётган инсондир. У шунча асарлар ижодкори эканлигига қарамай, худо хоҳласа, ҳали ҳам мўлжалимда ҳал қилишим керак бўлган масалалар бор, деб юрибди.

Низомиддин Маҳмудов- профессор.

Профессор М. М. Миртожиевнинг
илмий ва илмий-оммабоб асарлари библиографияси

Алоҳида нашрлар

1963

1. Миртожиев М. М. Ўзбек тилида лексик омонимларнинг вужудга келиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. / А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти. – Тошкент, 1963.- 249 б.

1964

2. Миртаджиев М. М. Возникновение лексических омонимов в узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. /Институт языка и литературы АН РУз. – Ташкент, 1964.- 20 с.

1975

3. Ўзбек тилида полисемия / Масъул муҳаррир: Е. Ғ. Ғуломов.– Тошкент:Фан, 1975.-140 б.

1980

4. Сўз маъносининг бўёғи . - Тошкент:Ўзбекистон. 1980.- 23 б.- (Фан ҳақида суҳбатлар; №25) . Ҳаммуал.:З. Тоҳиров

1981

5. Ўзбек тили лексикологияси: Лексикография қисми /А. П. Хожиев таҳр. ост. – Тошкент:Фан, 1981.- 313 б.

6. Ўзбек тили лексикологияси: Сўзларнинг шакл муносабатига кўра типлари қисми / А. П. Хожиев таҳр. ост. – Тошкент:Фан, 1981.- 313 б.

1982

7. Товушлардаги маънолар: (Тилшуносликка оид)- Тошкент: Ўзбекистон, 1982.- 24 б.-(Фан ҳақида суҳбат №24)

1986

8. Ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга тайёрловчи марказий курслар тингловчилари учун ўзбек тили фанидан контрол ишлар.- Тошкент:Университет, 1986.- 38 б.

1987

9. Ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга тайёрловчи марказий курслар тингловчилари учун ўзбек тили фанидан методик

кўрсатмалар ва контрол ишлар: 1-ўқув йили, 9-синф.- Тошкент:Университет,1987.- 64 б.

10. Ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга тайёрловчи марказий курслар тингловчилари учун ўзбек тили (тиниш белгилари юзасидан) фанидан методик кўрсатмалар ва контрол ишлар: II ўқув йили, 10- синф. – Тошкент:Университет, 1987.-28 б.

1988

11. Ўзлашган сўз -- пайванд куртаги. - Тошкент:Ўзбекистон, 1988.- 23 б.- (Фан ҳақида суҳбатлар №33).

12. "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курси программаси. - Тошкент:Университет, 1988.-120 б.-Ҳаммуал.: К. Назаров

1989

13. Ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга тайёрловчи марказий курслар тингловчилари учун ўзбек тили (грамматик таҳлил юзасидан) фанидан методик кўрсатмалар ва контрол ишлар: II ўқув йили, 11- синф. – Тошкент:Университет, 1989.- 42 б.

14. Тилда шакл ва мазмун. Эски жисмга янги исм: Ўзбек тилида фразеологизм. - Тошкент:Ўзбекистон, 1989.- 31 б.-(Фан ҳақида суҳбат №25-26) Ҳаммуал.: Қ. Ҳакимов.

15. Миртаджиев М. М. Переносные значения слов и их манифестация в узбекском языке: Дисс. ... д-ра.филол. наук. / Ташкентский Государственный университет.–Ташкент,1989.- 378 с.

1990

16. Ҳозирги ўзбек тили. II қисм: (Олий ўқув юртига кирувчилар учун) – Тошкент:Университет, 1990.- 168 б.

17. Ўзбек тили: (Олий ўқув юртига кирувчилар учун).– Тошкент:Ўқитувчи, 1990.- 27 б. Ҳаммуал.:Т. Эрназаров

18. Миртаджиев М. М. Переносные значения слов и их манифестации в узбекском языке: Автореф. дисс.... д-ра. филол. наук / Ташкентский Государственный университет. – Тошкент, 1990.- 46 с.

1991

19. "Ҳозирги ўзбек адабий тили." курси программаси.- Тошкент: Университет, 1991.- 38 б. Ҳаммуал.: К. Назаров, Р. Қўнғуров, М. Жўрабоева

20. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент:Университет, 1991.- 89 б.

1992

21. Тил ва маданият. - Тошкент:Ўзбекистон, 1992.- 110 б. Ҳаммуал.: Н. Махмудов.

22. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент:Ўқитувчи, 1992.- 169 б.

23. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан программа.- Тошкент:Университет, 1992.- 117 б. Ҳаммуал.: К. Назаров, Р. Қўнғуров, М. Жўрабоева

1997

24. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент:Университет, 1997.- 285 б. Ҳаммуал.: Ё. Тожиев, К. Назаров, М. Жўрабоева

25. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати: 1-қисм. - Тошкент: Университет, 1997.- 143 б. Ҳаммуал.: Ш. Раҳматуллаев, М. Қодиров.

1998

26. Ўзбек тили фонетикаси.- Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент: Университет, 1998.- 92 б.

2000

27. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. –Тошкент: Университет, 2000.-79 б.

2002

28. Физикавий электроникадан русча-ўзбекча атамалар луғати. - Тошкент: Университет, 2002.- 132 б. Ҳаммуал.: Р. Я. Комилова, А. А. Адилов, Н.Норқулов.

2003

29. Юқори молекулали бирикмалар кимёси атамаларининг русча-ўзбекча луғати .- Тошкент:Университет, 2003. -120 б. Ҳаммуал.:Ў. Н. Мусаев.

2004

30. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- I жилд.– Тошкент: Университет, 2004.- 222 б.

2005

31. Ona tili. 1-qism. /litseylar uchun. - Toshkent, 2005

2007

32. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари.–Тошкент: Университет, 2007. – 64 б.

2008

33. Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик.– Тошкент: Университет, 2008.- 200 б.

2010

34. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.- 287 б.

2011

35. Ўзбек тилида сўз валентликлари. - Тошкент, 2011.- 162 б. Ҳаммуал.: С. Х. Муҳамедова.

36. Туркий туб феълларнинг ауслаути грамматикаси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011.- 44 б.

2013

37. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.- 424 б. Ҳаммуал.:Б. Абдулҳайров.

2014

38. Ўзбек тилида лексик омоним манбалари. – Тошкент: Фан, 2014.-128 б. Ҳаммуал.:Ё Тожиев, Р. Расулов.

2017

39. Туркий туб сўзлар тадқиқи. – Тошкент:Фан, 2017.- 400 б.

Вақтли матбуот ва тўпламларда нашр этилган асарлари

1954

40. "Ўзбекистон" шеърини ўтиш тажрибасидан // Совет мактаби.- 1954.- № 11.- Б.49-51.

1955

41. "Олмош" темасини индуктив метод асосида дарсда ўтиш // Совет мактаби. –1955.- № 1.- Б.3-6.

1956

42. Танланмаган "Гулдаста" // Совет Ўзбекистони маданияти.– 1956.- 1нояб.

1960

43. Полисемиядан омонимиянинг келиб чиқиши ҳақида // Тилшунослик масалалари:. 1-китоб. – Тошкент:Фан, 1960.- Б.13-23.

1961

